

INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND DEVELOPMENT IS THE BASIS FOR FORMATION OF INNOVATIVE HUMAN CAPITAL IN AGRICULTURE

Amirkulov Shuhrat Olimovich
KarMII, Independent Researcher

Annotation:

The article highlights the role of science and education in providing the agricultural sector with innovative human capital, as well as the priorities for creating favorable conditions for the entry of young professionals into the agricultural sector.

Keywords: science, education, human capital, innovative development, organization, labor efficiency

Дунё амалиётида бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тармоғида интеллектуал меҳнат билан шуғулланадиган ходимларга талабнинг ошиши, малакасиз ходимларга талабнинг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3-февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159 сонли Фармонида “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар маркази” ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш ҳамда ҳудудларнинг узок муддатли ривожланиш тенденциялари ва инсон капитали бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳада кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш вазифаси белгиланган [1].

Шунингдек, “2021-2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини устувор ривожлантириш концепцияси”да “...меҳнат бозори конъюнктураси ўзгаришига мос ҳолда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган аграр таълим тизимини такомиллаштириш” устувор йўналиш қилиб белгиланган [2].

Аграр соҳада инсон капитали табиий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигининг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятидан ва аграр соҳанинг салоҳиятидан келиб чиқиб шаклланади ва ривожланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларда аниқланишича, тармоқда фаолият олиб бораётган ходимларнинг аксарияти касбий ихтисослик маълумотга эга эмас, бундан ташқари мавжуд профессионал кадрларни “қариши”, уларни малакали кадрлар билан алмашинуви даражасининг пасайиш

тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса тармоқда меҳнат унумдорлигининг пасайишига, ресурслардан оқилона фойдаланишга ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятида кейинги ўн йилликда аграр соҳада мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимида ҳам салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда.

1- Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлашнинг миқдорий таҳлили [3]

Кўрсаткичлар	Йиллар					Ўзгариши, % да
	2015	2016	2017	2018	2019	
Мутахассислар тайёрлаш (нафар)	4782	4918	4935	5010	2980	62,3
Ўрта махсус маълумот берувчи муассасаларда (нафар)	4633	4766	4775	4856	2832	61,1
Олий маълумот берувчи муассасаларда (нафар)	149	152	160	154	148	99,3

1-жадвалда Қашқадарё вилоятида мутахассислар тайёрлашнинг умумий сони 62,3 фоизга, шу жумладан ўрта махсус маълумотли мутахассислар 61,1 фоизга, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш 99,3 фоизга камайганлигини кўриш мумкин. Бу, биринчи навбатда, ўрта махсус, касб ҳунар таълими ва қишлоқ хўжалигидаги олий касбий таълимнинг пасайганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда иқтисодиёт, юриспруденция, менежмент, гуманитар фанлар, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш ва электротехника каби ўқув ихтисосликларининг оммалашиши шароитида қишлоқ хўжалиги касбларига талабнинг пасайиши кузатилмоқда. Ушбу тенденциялар ва муаммолар қишлоқ хўжалигида инсон капиталини шакллантириш имкониятларига, қишлоқ жойларидаги демографик вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, олий таълим муассасаларида бюджет ўринлари сони йилдан йилга камайиши, тўлов шартнома қийматининг ўсиши кузатилиб, бу кўпгина қишлоқ ёшлари учун олий маълумот олиш имкониятини қийинлаштирмоқда. Ушбу салбий ҳодисалар қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини оширишда ўз таъсирини ўтказмоқда.

Фикримизча, аграр фан ва таълим соҳасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бу ёш мутахассис кадрларни аграр соҳага кириб келишини таъминлаш учун шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Бу мақсадда қуйидаги чораларни амалга ошириш зарур:

магистр–тадқиқотчиларнинг мақомини, уларнинг иш ҳақисини тегишли даражада ошириш ва уй-жой билан таъминлаш ҳамда илмий тадқиқот марказларида лабораториялардан фойдаланиш имкониятини ошириш орқали олимларнинг ўртача ёшини пасайтириш;

аграр соҳа фанлари ва таълимни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш: (мақсадли дастурлар, конкурсли молиялаштиришни фаоллаштириш);

аграр олий таълим муассасаларининг инновацион ривожланиш дастурларини молиялаштириш ва аграр ОТМларининг базасида илмий тадқиқот марказларини ташкил этиш;

иш берувчилар иштирокида жамоа аккредитациясини ўтказиш орқали аграр олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш;


“аграр касб олий таълим муассасалари битирувчилари уюшмалари”ни ташкил этиш орқали битирувчиларни олий таълимдан кейинги ҳаракатини қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш;

илмий институтлар базасида нобюджет фаолиятни амалга оширишга имконият яратиб бериш;

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигини олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш орқали, аграр фан ва аграр таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

давлат бюджетидан ҳудудий қўллаб-қувватлаш дастурлари орқали олий таълим муассасалари инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш жараёнида марказ ва ҳудудларни мувофиқлаштиришни кучайтириш;

мустақил экспертларини жалб қилган ҳолда реал секторнинг илмий лойиҳаларини илмий-техник экспертизаси тизимини шакллантириш.




1-расм. Аграр соҳада инсон капиталини шакллантириш ва фойдаланиш йўналишлари [4].

Тадқиқот жараёнида амалга оширилган таҳлиллар, назарий ва амалий тадқиқотлардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигининг ривожланиш жараёни билан инсон капиталини ривожланиш жараёни ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш мақсадида аграр соҳада инсон капиталини шакллантириш ва фойдаланишда” давлат хусусий шериклик (ДХШ) механизми” ва “Аграр соҳада инсон капиталидан фойдаланувчилар уюшмаси”ни ташкил этиш таклифи ишлаб чиқилди (1-расм).

Давлат хусусий шериклик механизми асосида соҳада инсон капиталини такрор ишлаб чиқариш ва айирбошлаш амалга оширилса, “Аграр соҳада инсон капиталидан фойдаланувчилар уюшмаси”ни ташкил этиш орқали инсон капиталини тақсимлаш ва фойдаланиш амалга оширилади.

Аграр соҳада инсон капиталидан фойдаланувчилар уюшмасининг молиявий манбалари, вазифалари, ташкилий тузилмаси ва ҳуқуқий асослари 2-расмда кўрсатиб ўтилган.



2-расм. Аграр соҳада инсон капиталидан фойдаланувчилар уюшмасининг ташкилий тузилмаси [4].

Хулоса қилиб айтганда таракқиёт таълимга боғлиқ экан, таълим фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали инсон капиталини ривожлантириш мумкин, бу эса аграр соҳани ва қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3-февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159 сонли Фармони.

[2]. 2021-2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини устувор ривожлантириш концепцияси.

[3]. Қашқадарё, вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифтомонидан ишлаб чиқилди.

[4]. Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилди